



ТАДБИРКОР ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Саидов Муҳаммад Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик
субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича Вакил девони
етакчи инспектори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18219001>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-yanvar 2026 yil
Ma'qullandi: 08-yanvar 2026 yil
Nashr qilindi: 12-yanvar 2026 yil

KEY WORDS

тадбиркор ҳуқуқлари,
иқтисодий эркинлик, хусусий
мулк, ҳуқуқий кафолатлар, суд
ҳимояси, бизнес-омбудсман,
халқаро тажриба

ABSTRACT

Мазкур мақолада тадбиркор ҳуқуқлари тушунчаси, унинг назарий-ҳуқуқий асослари ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқий амалиётда тутган ўрни комплекс таҳлил қилинган. Тадбиркорлик ҳуқуқларининг иқтисодий эркинлик, хусусий мулк дахлсизлиги, қонунийлик ва тенглик принциплари билан узвий боғлиқлиги очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тадбиркор ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари, хусусан Конституция, Фуқаролик кодекси ва махсус қонунларнинг роли ёритилган. Шунингдек, Германия, АҚШ, Жанубий Корея ва Қозоғистон тажрибаси билан қиёсий таҳлил ўтказилиб, тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари аниқланган. Мақолада тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар ва амалий таклифлар илгари сурилган.

Ҳозирги глобал иқтисодий тараққиёт шароитида тадбиркорлик фаолияти ҳар қандай давлатнинг иқтисодий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик орқали янги иш ўринлари яратилади, инновациялар жорий этилади, ички ва ташқи инвестициялар жалб этилади. Фаол инвестиция муҳити, янги иш ўринларининг яратилиши, инновациялар тезкор жорий этилиши ҳамда ички ва ташқи бозорлар билан самарали интеграция — буларнинг барчаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми қандай ташкил этилганига бевосита боғлиқ. Шу сабабли тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Тадбиркорлик ҳуқуқлари — бу давлат томонидан қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан кафолатланган субъектив ҳуқуқлар тизими сифатида таърифланади. Улар иқтисодий эркинлик, хусусий мулк дахлсизлиги, тенглик ва қонунийлик

принципларига асосланади¹. Тадбиркор ҳуқуқлари тизимининг самарали ишлаши бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун зарур шарт ҳисобланади. Агар тадбиркор ўз ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинганлигига ишонмаса, у иқтисодий рискларни қабул қилишга, инвестиция киритишга ва фаолиятни кенгайтиришга тайёр бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, тадбиркор ҳуқуқлари тушунчасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганиш ва халқаро тажриба билан таққослаш катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, хусусий сектор ролини ошириш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тадбиркор ҳуқуқларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Илмий адабиётларда тадбиркор ҳуқуқлари тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар тадбиркор ҳуқуқларини иқтисодий эркинликнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида талқин қилади. Уларнинг фикрича, тадбиркорлик ҳуқуқлари шахснинг мустақил равишда иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, бозор муносабатларида иштирок этиш ва фойда олиш ҳуқуқидан келиб чиқади.

Бошқа олимлар эса тадбиркор ҳуқуқларини хусусий мулк ҳуқуқи билан узвий боғлиқ ҳолда кўради. Уларга кўра, тадбиркорлик фаолиятининг асосий ҳуқуқий пойдевори — мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан даромад олиш ҳуқуқидир. Шу маънода тадбиркор ҳуқуқлари хусусий мулк ҳуқуқининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқлари — иқтисодий эркинлик, хусусий мулк дахлсизлиги, тенглик ва қонунийлик каби асосий ҳуқуқий принципларга суяниб, бозор муносабатларининг барқарор ва самарали ривожланиши учун шарт-шароит яратади².

Муаллифлик нуқтаи назаридан, тадбиркор ҳуқуқлари — бу тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларда тадбиркорнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган субъектив ҳуқуқлар тизимидир. Бу ҳуқуқлар иқтисодий эркинлик, хусусий мулк дахлсизлиги, шартномавий муносабатларда тенглик ва давлат органларининг асоссиз аралашувидан ҳимояланиш принципларига асосланади.

Тадбиркор ҳуқуқларининг назарий асоси либерал иқтисодий таълимотларга бориб тақалади. Адам Смит, Жон Стюарт Милль каби иқтисодчи олимлар иқтисодий эркинлик ва хусусий ташаббус жамият тараққиётининг асосий омили эканлигини таъкидлаганлар. Замонавий ҳуқуқшуносликда эса мазкур ғоялар тадбиркор ҳуқуқлари институти орқали ҳуқуқий шакл касб этган.

¹ Абдуллаев, О. (2022). Тадбиркорлик ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси: *Миллий ва халқаро тажриба*. Тошкент: Илмий нашр. 4-8-бетлар

² Керимов, Р. (2020). Иқтисодий эркинлик ва тадбиркорлик: *Назарий ва амалий масалалар*. Тошкент: Ўзбекистон иқтисодиёт нашриёти

Тадбиркор ҳуқуқларининг ҳуқуқий тизимдаги энг юқори даражадаги манбаи Конституция ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий принципларини белгилаб беради ҳамда давлатнинг хусусий мулк ва иқтисодий эркинликка муносабатини ифодалайди. Конституциявий нормалар тадбиркор ҳуқуқларининг барқарорлиги ва узлуксизлигини таъминловчи фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Конституцияда хусусий мулк дахлсизлиги алоҳида эътироф этилган бўлиб, мулкдан қонуний фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбурияти сифатида белгиланган³. Бу норма тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий пойдеворини ташкил этади, чунки тадбиркорлик мулккий манфаатларга асосланади. Хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатланиши тадбиркорга узоқ муддатли иқтисодий режалар тузиш, инвестиция киритиш ва фаолиятни кенгайтириш имконини беради.

Шунингдек, Конституцияда иқтисодий фаолият эркинлиги принципи мустаҳкамланган. Ушбу принцип тадбиркорга қонун доирасида ҳар қандай фаолият турини танлаш, уни амалга ошириш ва тугатиш ҳуқуқини беради. Конституциявий даражадаги бундай кафолат тадбиркор ҳуқуқларининг бошқа барча соҳавий ҳуқуқ нормалари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик кодекси тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи асосий кодификацияланган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда мулккий муносабатлар, шартномавий мажбуриятлар, жавобгарлик ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари батафсил ёритилган. Фуқаролик кодекси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақомини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кодексда шартномавий эркинлик принципи муҳим ўрин тутаяди. Ушбу принципга мувофиқ, тадбиркорлар контрагентларни мустақил танлаш, шартнома шартларини келишиш ва уларни бажаришда ўз иродасига асосланиш ҳуқуқига эга. Шартномавий эркинлик тадбиркорнинг бозор муносабатларида тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этишини таъминлайди.

Фуқаролик кодексида тадбиркорларнинг мулккий ҳуқуқлари билан бир қаторда, уларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳам белгиланган. Бу ҳолат тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқий мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Кодекс тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд орқали даъво қилиш, зарарни қоплаш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш механизмларини назарда тутаяди⁴.

Тадбиркор ҳуқуқларини таъминлашда махсус қонунчилик алоҳида аҳамият касб этади. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишга қаратилган асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу қонунда тадбиркорлик фаолиятига давлат органларининг аралашуви қатъий чекланган. Хусусан, текширувларни ўтказиш, лицензия ва рухсат бериш

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.06.2025 й., 03/25/1070/0536-сон

тартиблари қонун билан аниқ белгиланган. Бу эса тадбиркорларни асоссиз маъмурий босимдан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қонунда тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим механизмларидан бири сифатида давлат органлари қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Тадбиркор ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда маъмурий ёки суд тартибида ҳимоя қилиниш имкониятига эга⁵.

Тадбиркор ҳуқуқларини амалий жиҳатдан таъминлашда суд ҳимояси марказий ўрин тутди. Иқтисодий судлар тадбиркорлик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонунийлик, адолат ва тенглик принципларига асосланади. Суд амалиёти тадбиркор ҳуқуқларининг реал кафолатланиш даражасини белгилаб беради.

Судлар тадбиркорлик низоларини кўриб чиқишда шартномавий муносабатлар, мулкӣ ҳуқуқлар ва давлат органлари қарорларининг қонунийлигини баҳолайди. Суд орқали ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тадбиркорлик муҳитида ҳуқуқий ишончни оширади ва инвестиция фаоллигини рағбатлантиради.

Сўнгги йилларда иқтисодий судлар фаолиятини рақамлаштириш, электрон суд ишларини жорий этиш тадбиркорлар учун суд ҳимоясига мурожаат қилишни енгиллаштирди. Бу ҳолат тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Суд ҳимояси билан бир қаторда, маъмурий ҳимоя механизмлари ҳам тадбиркор ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Давлат органлари фаолияти устидан маъмурий назорат тадбиркорларнинг ҳуқуқларини асоссиз чеклаш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида Бизнес-омбудсман институти тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин тутди. Ушбу институт тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасида воситачи вазифасини бажариб, ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга хизмат қилади. Бизнес-омбудсманга мурожаат қилиш тадбиркорлар учун суддан ташқари ҳимоянинг самарали воситаси ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқий амалиётда тадбиркор ҳуқуқлари иқтисодий эркинлик, хусусий мулк дахлсизлиги ва қонун устуворлиги принциплари билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD), Жаҳон банки каби халқаро институтлар тадбиркорлик муҳитини баҳолашда тадбиркор ҳуқуқларининг ҳимоя даражасини асосий мезон сифатида қабул қилади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорлик фаолияти инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларининг таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мулкка эгалик қилиш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ушбу норма тадбиркор ҳуқуқларининг универсал асоси сифатида хизмат қилади.

OECD ҳужжатларида тадбиркор ҳуқуқлари самарали бозор иқтисодиётининг асосий институционал омили сифатида қаралади. Хусусан, тадбиркорларни давлат органларининг ортиқча аралашувидан ҳимоя қилиш, маъмурий тартиб-таомилларни

⁵ Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // онунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.10.2024 й., 03/24/981/0841-сон.

соддалаштириш ва суд ҳимоясининг самарадорлигини ошириш халқаро стандартлар сифатида белгиланган.

Тадбиркор ҳуқуқлари бўйича қиёсий таҳлил миллий ва халқаро қонунчилик ўртасидаги фарқларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Хорижий мамлакатларда тадбиркор ҳуқуқлари турли ҳуқуқий тизимлар асосида ҳимояланади, лекин умумий тамойиллар – иқтисодий эркинлик, мулк дахлсизлиги ва тенглик принципларига суяниб қолади.

Германия Федератив Республикасида тадбиркор ҳуқуқлари Конституция (Асосий қонун) ва фуқаролик қонунчилигида мустаҳкамланган. Германия Конституциясида касб ва иқтисодий фаолият эркинлиги алоҳида модда сифатида белгиланган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давлат томонидан кафолатланади.

Германияда тадбиркор ҳуқуқлари асосан “ижтимоий бозор иқтисодиёти” тамойили орқали таъминланади. Давлат тадбиркорликка фаол аралашмайди, аммо рақобатни ҳимоя қилиш ва истеъмолчи манфаатларини таъминлаш вазифасини бажаради. Бу тизимда тадбиркорлар мулк ҳуқуқига эга, шартномавий эркинликка эга ва иқтисодий фаолият эркинлиги кафолатланган⁶.

Германияда тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали механизмларидан бири — мустақил суд тизими ҳисобланади. Иқтисодий низолар тезкор ва адолатли кўриб чиқилади, бу эса тадбиркорлик муҳитининг барқарорлигини таъминлайди.

Америка Қўшма Штатларида тадбиркор ҳуқуқлари либерал иқтисодий ёндашув асосида шаклланган. АҚШ Конституциясида тадбиркорлик тўғридан-тўғри қайд этилмаган бўлса-да, мулк ҳуқуқи, шартномалар эркинлиги ва суд ҳимояси кафолатлари тадбиркорлик фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

АҚШда эса мулк ҳуқуқи ва шартномавий муносабатлар эркинлиги тадбиркор ҳуқуқларининг асосий кафолати ҳисобланади. Давлатнинг аралашуви минимал бўлиб, суд ва прецедентлар орқали ҳуқуқлар ҳимоя қилинади. Бу тадбиркорларга иқтисодий рискларни мустақил бошқариш имконини беради⁷.

АҚШда тадбиркор ҳуқуқларининг муҳим хусусияти — давлатнинг иқтисодий муносабатларга минимал аралашувидир. Регулятор сиёсат асосан рақобатни ҳимоя қилиш ва монополияларни чеклашга қаратилган. Тадбиркорлар шартномавий муносабатларда катта эркинликка эга бўлиб, бу бозор динамикасини жадаллаштиради.

Шу билан бирга, АҚШда тадбиркор ҳуқуқлари суд прецедентлари орқали ривожланиб боради. Суд амалиёти тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим манба ҳисобланади, бу эса ҳуқуқ тизимининг мослашувчанлигини таъминлайди.

Жанубий Кореяда эса тадбиркор ҳуқуқлари асосан иқтисодий эркинлик ва хусусий мулк принципларига суяниб ҳимояланади. Шу билан бирга, давлат тадбиркорлик муҳитини назорат қилади, коррупцияни чеклайди ва инвесторлар учун прогнозли ҳуқуқий муҳит яратади⁸.

⁶ Müller, F. (2019). *Entrepreneurship law in Germany: Principles and practice*. Berlin: Springer. pp.34-70

⁷ Smith, R. (2020). *Business law and entrepreneurial rights in the United States*. New York: Oxford University Press. pp.15-60

⁸ Lee, J. (2021). *Entrepreneurial rights and legal protection in South Korea*. Seoul: Korean Institute of Law. pp.23-58

Қозоғистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий асослар миллий қонунчиликда аниқ белгиланган. Тадбиркорлар фаолиятини бошлаш, рўйхатдан ўтиш, шартномалар тузиш ва молиявий операцияларни амалга ошириш ҳуқуқлари Конституциявий ва махсус қонунлар билан кафолатланган⁹.

Қозоғистон Республикасида тадбиркор ҳуқуқлари Конституция ва махсус қонунлар орқали мустақамланган. Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш ва текширувлар тизими сезиларли даражада соддалаштирилган. Қозоғистон тажрибасида тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Қозоғистонда Бизнес-омбудсман институти фаол ишлаб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини маъмурий йўл билан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Бу жиҳат Ўзбекистон учун ҳам ижобий тажриба сифатида баҳоланиши мумкин.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларда тадбиркор ҳуқуқлари:

- конституциявий даражада кафолатланган;
- суд ҳимояси самарали ишлайди;
- давлат аралашуви минимал даражада;
- маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилган.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида сўнгги йилларда тадбиркор ҳуқуқларини таъминлаш бўйича салмоқли ислоҳотлар амалга оширилган бўлса-да, айрим соҳаларда халқаро стандартларга яқинлаштириш зарур. Хусусан, тадбиркорлик низоларини ҳал этишда суд амалиётини янада барқарор қилиш, маъмурий органлар масъулиятини ошириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, тадбиркор ҳуқуқлари иқтисодий эркинликни таъминлаш, бозор муносабатларини ривожлантириш ва инвестиция муҳитини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Миллий қонунчиликда тадбиркор ҳуқуқларининг мустақамланиши Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тадбиркор ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ. Шу боис тадбиркор ҳуқуқларини такомиллаштириш, суд ва маъмурий ҳимоя механизмларини кучайтириш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб вазифа бўлиб қолади.

⁹ Қозоғистон Республикаси Қонуни “Тадбиркорлик тўғрисида”. (2022). Астана: Ҳуқуқий нашр.10-35-бетлар